

“Бобурнома” да воқеалар рухиятини сўзларда байони

Бегойим Абдусатторова

begoyim.abdusattorova@mail.ru

Андижон давлат университети Педагогика институти

Аннотация: Мазкур мақолада буюк шоир ва давлат арбоби Захириддин Мухаммад Бобурнинг ҳаёт йўлида содир бўлган вазиятларни ва шу ҳолатдаги кайфиятнинг сўзлар орқали инсонларга жуда чуқур тарзда етказиб берилгани мисоллар билан ифода этилган.

Калит сўзлар: Захириддин Мухаммад Бобур, “Бобурнома”, изтироб, Рубоий, рухий ҳолат, ички кечинмалар.

Expression of the occasions' vibes through words in Baburname

Annotation: In this article, examples are given about how the great poet and statesman Zakhiriddin Mukhammad Babur conveyed the circumstances of his life and the mood of the situation in words to people.

Keywords: Zakhiriddin Mukhammad Babur, “Baburname”, suffering, quatrain, psychic state, emotions.

Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари у бошидан ўтказган кунлар йилномаси сифатида баҳоланади ва унинг рубоийлари “Бобурнома” билан ҳамоханг, уни мазмунан тўлдиради. “Бобурнома”даги воқеалар баёни аниқ, ихчам ва лўнда, таъсирчан, энг муҳими, ҳаётнинг ҳақиқатга мос ва мувофиқлиги билан эътиборлидир. Муаллиф воқеалар баёнида табиат тасвирига, айрим жойлар тавсифига, алоҳида кишиларнинг таърифларига жиддий аҳамият беради ва асардаги шахсларнинг кайфиятини ва вазиятларни ўзининг рубоийларида ёки турли хил сўзлар орқали ифодалаган. Мисол учун (1500-1501)-йиллар воқеалари баёнида бир ҳукмдорнинг Бобурга яхши илтифот кўрсатмагани айтилади ва адиб қуйидаги мисраларини эслатади:

Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиқ?

Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиқ.

907 (1501-1502)-йиллар воқеалари баёнида эса Тошкентга бориб хон қошида бир рубоий ўқигани эсланади:

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,

Шод этмас эмиш кўнгулни гурбатда киши.

*Кўнглум бу зариблиқта шод ўлмади ҳеч,
Гурбатда севунмас эмиш, албатта, киши.*

Унинг ҳаёти ва адабий лирикаси Мовароуннаҳрда сиёсий ҳаёт ниҳоят мураккаблашиши ва Темурийлар давлатининг инқирози давом этаётган бир даврга тўғри келган эди. Бундай мураккабликлар инъикосини «Бобурнома»да кўрган бўлсак, шоир руҳиятида қандай акс этгани эса, унинг шеърларида намоён бўлади. Мовароуннаҳрни бирлаштиришга уринишлари натижа бермагач, Бобур руҳан қийналган, амалдорларнинг хиёнатлари таъсирида умидсизликка тушган кезлардаги кайфияти шеърларида акс этган. Кейинчалик ўз юртини тарк этиб, Афғонистон ва Ҳиндистонга кетганда Бобур шеърлятида Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, унга қайтиш умиди мавж ура бошлади.

*Толеъ йўқки жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишниким, айладим хатолиг бўлди,
Ўз ерин қўйиб Ҳинд сори юаландим,
Ёраб, нетайин, не юз қоролиг бўлди.*

“Бобурнома” да айтилишича У Фаргона ва Самаркандга килган юриши давомида бошдан кечирган изтироб,надоматлар чеккан, лекин хиёнат Бобур табиатига зид нарса еди ва у бу хақида шундай ёзади. «Бобурнома»да ёзади: «Бир сабоҳи Марғинондин Жаҳонгир мирзо Танбалдин айрилиб қочиб келди. Мен ҳаммомда эдим- ким, мирзо келди, кўруштим. Ушбу замон Шайх Боязид 16ҳам изтироб била келди, олдорабтур. Мирзо ва Иброҳимбек алар дедиларким, Шайх Боязидни тутмоқ керак, аркни иликламоқ керак. Филвоқиъ ишнинг ҳисоби бу эди. Мен дедимким, аҳд қилибтур. Биз нечук нақзи аҳд қилғайбиз».

Ҳар қандай шароитда сотқинликдан юз ўгирган Бо бурнинг шахсиятида собитқадамлик, қатъийлик ва кескинлик каби ижобий хислатлар Бобурнинг кейинги юришларида янада бўртиб кўринади. Бошидан кечирган аччиқ тажрибалар гўё унинг серқирра шахсини ҳар то мондан ўткир алангасида тоблаб, соф олтинга айлантириб борарди. Дарҳақиқат, унинг романтик табиати билан ҳақгўйлиги ўртасида кураш борарди. У “Бобурнома”асарида унга хийонат қилган “дўст”ларнинг кирдикорларини қоралаш ва чин эътиқоднинг кучини кўрсатиш учун ушбу ҳолатни байон қилади; “...Муни дегаҳ, манга ғариб ҳолате бўлди. Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш. ...Ўзумда бетоқатлиге фаҳм қилдим. Кўптум, боғ гўшасиға бордим. Ўзум била андиша қилдим. Дедимким, киши агар юз, агар минг яшаса, охир ўлмак керак.Ўзумни ўлумга қарор бердим.Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракаат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуға борибтур...” (174-175).

Бунда Бобур ўзини ўлдириш хақида емас балки душман томонидан ўлдирилишига амин бўлиб, ўлимига иқроп бўлиш акс етган ёкида унинг

ўлимидан олдинги касалликка учрагани ва айрим ҳолатларда дарднинг зўрайиши кўзларига аччиқ ёш, танасига чидамсиз дард олиб келган вақтида тасвирлаган тушкун кайфияти ифода етилган “Якшанба куни, мухаррам ойининг ўн олтисида исситим, титрадим, навбат навбат бўлди. Йигирма беш йигирма олти кунга тортти. Доруйи кор ичтим. Охир басит ярашти, уйқусизлиг ва ташналигдин бисйор ташвиш торттим”. Вахоланки, Бобур ўзининг тўнгич ўгли Хумоюн мирзонинг элчиларига билдирган фикрида “Тенгри таолодин умидворимизким, ўшул яқинда Хиндустон вилояти кўлга киргай. Хавохох ва яхши фарох хавсалаларимиздин Хиндустон вилоятига кўюб, ўзумуз маврусий вилоятимизга боргаймиз. Ва керакким, бори халқимиз бу юрушда, Хумоюнга йўлдош бўлуб, ихлос кўрсатгайлар”, деб берилган. Ушбу қисмда нафақат Бобурнинг ички кечинмалари, рухий ҳолати, яққаликка бардошли ва чидамли бўлгани, ўзини изтиробли кайфиятда эканлиги шу ҳолатлар буни Ватанга қайтиши орзуси билан тасвирланган.

Бобур “Бобурнома”да баҳор фаслида уюштирган сайиллари ва чиққан сайру саёҳатлари билан боғлиқ ҳамда ошиқона туйғулар ижтимоий кайфият билан уйғунлашган тасвирлар шарҳида баҳорни, Наврўз байрамини тараннум қилиб, байтлар, алоҳида ғазал ҳам ижод қилган. Бобур Наврўз байрамини асарнинг 1503-1504 йил воқеалари баёнида учрайди. Мазкур тасвирда Бобур Ийд билан Наврўз байрамининг кетма-кет келганлигига алоҳида урғу берар экан, бу хайрли ва хосиятли ҳолатдан илҳомланиб, 7 байтли янги бир қутлов ғазал ижод қилганидан хабар беради ва қутлов ғазалининг икки байтини “Бобурнома”да ёзиб қолдиради: “Ийди фитр эди... Ийд намозини Гўмал рудининг ёқасида ўталди. Наврўз ул ийдқа ёвуқ келиб эди. Тафовут бир-икки кун эди, ул тақриб била бу ғазални айтиб эрдим:

Янги ой ёр юзи бирла кўруб ул шод байрамлар,

Манга юзу қошингдин айру байрам ойида ғамлар.

Юзи Наврўзи васли Ийдини, Бобур, ганимат тут -

Ки, мундин яхши бўлмас, бўлса юз Наврўзу байрамлар”.

Бобур асарида шу хайрли воқеалар таъсирида ёзган 7 байтли қутлов ғазални тўлиқ 7 байт шаклида эмас, балки ғазалининг гўзал матла ва мақтасини беради ва ушбу ғазалда ўзининг қутлови ҳам берилганлигидан қандай кайфият билан бошлаб, қандай кайфият билан яқунлаганлигидан ҳам воқиф қилади, вақт ўтиб, ғазалнинг тўлиқ матни “Девон”ига киритилган, бизгача етиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Заҳриддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент: Шарқ, 2014.
2. Маллаев Н. Бобурнома // Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1976.

3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Тошкент: Шарқ, 2002.

4. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис // Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13-жилд. Тошкент: Фан, 1997.

5. Алишер Навоий. Муншаот // Мукаммал асарлар тўплами. 14-жилд. Тошкент: Фан, 1998.

6. “Адабиёт” Боқижон Тўхлиев, Баҳодир Каримов, Комила Усмонова. Ўрта таълим муассасаларининг 10-синфи ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари учун дарслик-мажмуа. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент–2017.